

Таъзия



00:08 / 11.07.2025 1104

«Hilol Nashr» нашриёт-матбааси ва Islom.uz портали жамоаси Тошкент вилоятининг Тошкент туманидаги **«Ҳасанбой ота» жомеъ масжиди имом ноиби, Қуръони Карим ходими, устоз Яҳё қори Турдиевнинг** вафоти муносабати билан у кишининг барча оила аъзоларига, қариндош-уруғларига, яқинлари ва шогирдларига самимий таъзия изҳор этамиз.

Аллоҳ таоло умрини дин хизматига бағишлаган устознинг машаққатли ва шарафли меҳнатларини, барча солиҳ амалларини ўзларига садақаи жория қилиб, раҳматига буркасин, мағфиратига олсин, қориларга ваъда қилинган ажру мукофотларидан баҳраманд қилиб, жаннатларига дохил айласин!

Ушбу оғир жудолик дамларида марҳумнинг аҳли байтларига, барча яқинларига Аллоҳ таолодан сабру жамил тилаймиз.

Иннаа лиллаахи ва иннаа илайхи рожиъуун!

Жаноза намози эртага бомдод намозидан сўнг «Ҳасанбой ота» жомеъ масжидида адо этилади.